

---

## Марғилон шаҳрида Беш ташаббус дастури доирасида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишлиланган 5 та ташаббус доирасида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларини олдини олиш ва касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида Марғилон шаҳридаги Ижодкорлар боғида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда шаҳардаги касб-ҳунар мактаблари, умумтаълим ва мактабгача таълим ташкилотлари миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган кўргазмали қуроллари, китоб ярмаркалари, ҳунармандилик маҳсулотлари ҳамда ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этдилар. Ярмарка давомида 11 нафар ёшларга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Шаҳардаги 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиларининг чиқишилари, 8-сонли болалар Мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ижросида янграган дилрабо куй-қўшиқлар жарангি тадбиргга янада кўтаринкилик улашди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-04-30 13:47:11